“O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT MILLIY BANKI” AKSIYADORLIK JAMIYATI KUZATUV KENGASHI BAYONNOMASIDAN KO’CHIRMA

ВЫПИСКА ИЗ ПРОТОКОЛА НАБЛЮДАТЕЛЬНОГО СОВЕТА АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА “НАЦИОНАЛЬНЫЙ БАНК ВНЕШЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН”

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ

2023 йил 05 октябрдаги 50 – сонли

БАЁНИДАН КЎЧИРМА

Раислик қилди: Л.Ш. Кудратов

Қатнашдилар:

Кузатув кенгаши аъзолари:

Г.Х. Рахимова, М.М. Мирзаев
М.Ж. Норгитов, Ш.Д. Мухамедов
М.В. Полетаев, С.М. Лоусон

Йиғилиш котиби Т.Б.Файзиев

Йиғилишда **7 та** Кузатув кенгаши аъзоларидан **7 таси** қатнашди ва кворум таъминланди.

Таклиф қилинганлар:

Бошқарув Раиси А. Мирсоатов

Бошқарув аъзолари С. Усманбеков, А. Курамбаев, Б. Жалилов, А. Ходжаев Ш. Жумаев

КУН ТАРТИБИ:

Баходир Толаганович Рихсиевни “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Трансформацион офис бошқарувчи директори – Бошқарув Раиси ўринбосари лавозимига тасдиқлаш.

Йиғилишга раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазири – Кузатув кенгаши раиси Л.Ш.Кудратов “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти (***кейинги ўринларда – Ўзмиллийбанк***) Кузатув кенгаши йиғилишини очиб берди.

Кун тартибидаги масала муҳокамасидан олдин йиғилиш котиби Т.Б.Файзиев кворум таъминланганлиги ва Ўзмиллийбанк Кузатув кенгаши йиғилишининг ваколатли эканлигини (кворумга эга эканлигини) қайд этди.

Раислик қилувчи кун тартибига киритилган масала юзасидан тўхталиб, Бошқарув Раисига сўз берди.

Кун тартибидаги ***масала бўйича*** Ўзмиллийбанк АЖ Бошқаруви Раиси А.Мирсоатов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2023 йил 4 октябрдаги №16-1685 хдфу – сонли топшириғига асосан Рихсиев Боходир Толагановични "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари лавозимига тайинланиши бўйича розилик берилганини маълум қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2023 йил 2 июндаги 27-19/700-сонли хати билан, Рихсиев Баходир Толагановични Марказий банкнинг "Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги Низомида (рўйхат рақами 3252, 2020 йил 30 июнь) белгиланган малака талабларига мувофиқлиги билдирилганлигини айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли "***Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида***"ги Қонунига ҳамда ***"Ўзмиллийбанк" АЖ Уставига*** мувофиқ жамиятнинг бошқарув аъзоларини (*раисидан ташқари*) сайлаш (*тайинлаш*), жамиятнинг кенгаши ваколатига киради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Рихсиев Боходир Толагановични "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори – бош бухгалтер лавозимидан Трасформацион офис директори – Бошқарув раиси ўринбосари лавозимига тасдиқлаш таклифи берилди.

"Ўзмиллийбанк" АЖ Бошқарув Раиси томонидан берилган маълумот ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунлар ва Банк Уставига мувофиқ, Банк Кузатув Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2023 йил 4 октябдаги 16-1685-хдфу топшириғи маълумот учун қабул қилинсин.

1.1 Рихсиев Боходир Толагановични "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти Трасформацион офис директори – Бошқарув раиси ўринбосари лавозимига тасдиқлансин ҳамда мазкур лавозимда Банк Бошқаруви аъзолари таркибида қолдирилсин.

Овоз берилди:
"Ёқлайман" – 7 овоз; "Қаршиман" – 0 овоз; "Бетараф" - 0 овоз.

Л.Ш. Кудратов	(имзо)	**М.М. Мирзаев**	(имзо)
Г.Х. Рахимова	(имзо)	**М.Ж. Норгитов**	(имзо)
Ш.Д. Мухамедов	(имзо)	**М.В. Полетаев**	(имзо)
С.М. Лоусон	(имзо)		

Йиғилиш котиби **Т.Б.Файзиев**